

Тонг сахардан бошлаб осмонда булутлар юргилаб колди. Этни жунжиктирувчи совук шамол эсар, унинг таъсирида саргайган нимжон япроклар бандидан узилар, хавода чарх ура-ура ерга тушарди. Дараҳтлар таги калин баргихазон билан копланган эди. Бир гала карга кагиллаганча номаълум тарафга учиб кетди. Кишлок уйлари узокдан бир-бирига ёпиширилган гугурт кутиларига ўхшаб кўринар, уларнинг кўримсиз эшик ва деразалари муваккат яшаш учун наридан-бери курилган масканни эслатарди.

Худодод чаккон ва дадил кадам ташлаб борар, вужудига тоза куч куйилаётганини хис килмоқда эди. У водий бўйлаб йирок-йирокларга чўзилиб кетган, ёмгиридан нам йўлдан борарди. Совук шамол унинг баданини эркалаб сийпаётгандек хис киларди. Назарида дараҳтлар ракс тушар, каргалар шодлик муждасини олиб келар, хуллас, бутун табиат унинг шоду хуррамлигига шерик эди. У гўё йўкотиб кўйишдан кўрккандек, кўлтигидаги калами тугунни маҳкам кисиб олган эди.

Худодод олтмиш ёшлардаги суяги бузук одам. Комати баланд, сокол-мўйлови мошранг, кўзлари ёш йигитницидай чакнаб туради. Эгнида дехконлар кийими ва бошида саргис намат телпак. Хар кадам ташлаганида чоловорининг почаларидан офтоб ва меҳнатдан корайиб ёрилган болдирлари мўралаб коларди. Йигирма йил илгари у ўз шахри Дамовандни тарқ этиб, гўшанишинликни ихтиёр килди. Мозандарон йўли якинидаги Ало номли булок ёнида у тош ва лойдан ўзига бир кулба тиклади ва ўшандан бери шу ерда ёлгиз яшайди. У ўз кўли билан ер чопар, сугорар, экин-тикин киларди. Бу иш билан вактида ота-бобоси, эхтимол, бошка узок аждодлари хам шугулланишган. Ўзига мерос колган ернинг ярмидан кўпрогини у қахатчилик йилларида сотди, тўғрироги, унга алишди. Энди унинг бир парчагина ери колган бўлиб, шундан олинадиган озгина хосил билан тирикчилик килади.

Сўнгги икки-уч йилда Худодод атроф кишлоклар ва Дамованд бозорида тез-тез кўринадиган бўлиб колди. Унинг зохидлигига кўниккан одамлар бу ўзгаришдан ажабланишарди. Худодод аёлларбоп либос учун газлама, канд, чой ва бошка майда-чуйдалар харид киларди. Баъзан унинг тог ёнбагирларида бир ёш лўли киз билан етаклашиб юрганини хам кўриб колишарди.

Тўрт йил илгари, аёз темир бармоклари билан одамнинг юзини чимчилайдиган совук киши тунларидан бирида, Худодод чирокни ўчириб, эндинана ўрнига ётувди хамки, галати бир овоз қулогига чалинди: гўё кимдир заиф товуш билан нола килар, унинг инсон ё хайвонлигини ажратиш мушкул эди. Товуш тобора якинлашиб келарди ва нихоят, кулба эшиги такиллади. Инсу жин ва бўридан хам кўркмайдиган Худодод ўрнидан туаркан, елкасидан совук тер чикиб кетганини сезди. Эшик олдига келиб, “кимсан, нима керак сенга?” деб канча сўрамасин, хеч кандай жавоб бўлмади. Худодод титрок кўллари билан чирокни ёқди, ўтин ёрадиган болтани маҳкам ушлаб, эшикни ланг очиб юборди. Не кўз билан кўрсинки, эшик олдида кизил кўйлак кийган, аёздан кўз ёшлари ёнокларида музлаб колган ёшгина лўли киз туарди. Худодод болтани кулба бурчагига отиб юборди, кизни кўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди. Уни ўчок ёнида исинишга кўйиб, ўзи эски-тускилардан тўшак хозирлади.

Эртасига эрталаб киздан канча сўраб-суриштирмасин, бирон натижа чикмади. Гўё киз ўзи хакида чурк этмасликка касам ичгандай. Кизнинг индамаслиги Худододнинг унга Пол ёки Полу деб исм кўйишига сабаб бўлди. Бора-бора бу исм Лолага айланиб кетди. Хозир лўлилар кўчиб юрадиган мавсум эмасди. Шунинг учун Худодод, бу кизча

осмондан тушдими ё ёрдан чиқдими, деб хайрон бўларди. У кулбадан чикиб, из олмокчи бўлди, аммо из намчил баргихазон орасида йўколиб кетди. Ало булоги якинида яшовчи тегирмончидан лўлилар хакида сўраган эди, у, билмайман дегандек, елкасини кисди. Нихоят, Худодод то эгаси чикмагунча, кизни ўзиникида асраб колишга ахд килди.

Лола ўн икки ёшлардаги киз бўлиб, юзи бугдойранг, кўзлари фусункор эди. Кўллари ва пешонаси ўртасига кўк рангли хол кўйилган. Кизни асраб колганидан сўнг, Худодод ўтган-кетган лўлилардан унинг кариндошлари хакида кўп сўраб-суриштириди. Аммо биронта лўли Лолани танийман, демади. Тез орада Худодод ўзи унга ўрганиб колди. Уни хеч кимга бермасдан, ўзига фарзанд килиб олишга ахд килди...

Лола йил сайин улгайиб бораркан, бора-бора Худододнинг кўнглида кизга нисбатан аллакандай бошкача, оталик туйгусига ўхшамаган хислар уйгона бошлади. Энди у Полага бир эркак севгиси билан меҳр кўйган эди. Ишк вассасасига дучор бўлган Худодод хонанинг ўртасига парда осиб кўйди. Энг ёмони шу эдик, Лола уни “ота” деб чакирап, киз хар гал “ота” деганида, Худододнинг ранги ўзгариб кетарди.

Бир куни Худодод уйига кайтганида кулба олдида юрган иккита товукни кўрди. У Полага ўғирлик ёмонлиги, бу ишни килган одам ўз килмиши учун дўзах ўтида ёнишини айтиб, харчанд насиҳат килди хамки, кизга заррача таъсир этмади. У айёrona кулимсираб, гапни бошка тарафга бурди.

Лола сайд килишни жуда ёқтирап эди. Агар икки-уч кун тинимсиз ёмгир ёгиб, уйга узок камалиб колишга мажбур бўлса, зерикар ва киёфаси гамгин тус оларди. Об-хаво яхши кунлари у Худодод билан ёки ёлгиз ўзи сайд киларди. Кўпинча Лола сайдга танҳо чикар ва бу хол Худододнинг бадгумонлигига сабаб бўларди. Чунки у кизни бир неча бор чўпон йигит Аббос билан кўриб колган, шу сабабли бу йигитни ўзига ракиб деб хисобларди. Хатто бир куни у Аббоснинг маймунжон териб, Лоланинг оғзига солаётганини кўрди. Кечкурун Худодод бегона эркак билан гаплашиш ёмон эканлигини айтиб, унга дашном берди. Лоланинг кўзларида ўш гилтиллай бошлагач, кишлок одами эмасми, содда юраги юмшади.

Аббоснинг онаси икки марта совчиликка келиб, Лолани ўглига сўради. Худодод хар гал Пола хали ўш, деб баҳона килиб, уни кайтарар эди. Ўз кўнглида эса Аббосдай бир дангаса одам унинг эллик йил ичиде кириб-киртишлаб тўплаган мулкига меросхўр бўлишини истамас эди. Аслида хам, агар Аббосдай дехкончилик кўлидан келмайдиган бетайин кимса унга ворис бўлса, аждодлари рухлари кай холатга тушади? Бунинг устига, у ўз кулбасидан паноҳ берган, едириб-кийдириб катта килган, мисоли дарахт нихоли каби парваришлаб одам килган кизга аллакаердаги бир одам тайёр ошга баковул бўлиб ўтиrsa! Нима, кекса одамнинг кўнгли кирмизи олма тусамайдими? Полага ўзи уйланса нима бўпти?! Бирок у бу иш осонгина битмаслигини, кизнинг розилиги шарт эканлигини англарди. Бунинг устига киз уни “ота” деб чакириш одатини тарк килмаган, хаммасидан хам мана шуниси Худододни кўпроқ ташвишга соларди.

Тунлари киз ухлаб ётганида, Худодод чирокни кўтариб унинг тепасига келар, юзи, кўкраги, елкаларини томоша киларди. Баъзан у девона каби тогларга чикиб кетар, дараларда bemaksad тентираб, кеч кирганда уйига кайтиб келарди. У умид ва кўркув оралигига яшар, рад жавобини эшитишдан кўрккани учун кизга мухаббатини изхор килишга ботинолмасди. Агар Лола: “йўк, сен карисан” деса, унга ўлимдан бошка чора колмас эди.

Худододнинг уйи олдида бир тош супа бўлиб, Лола кўпинча унда оёкларини осилтириб ўтирап, очик болдиrlари супа деворига тегиб туради. Баъзан у паст ва гамгин овозда

бир ашулани хиргойи килар, аммо бирор якинлашса, дархол жимиб коларди. Худодод тасодифан кизнинг ашуласини эшишиб колди ва ўшандан бери уни яна тинглашга мушток эди.

Бугун эрталаб Худодод Дамовандга отланганида хам Лола ўша тош супада ўтирас ва хар кунгидан кўра кўпроқ хурсанд кўринарди. Аммо негадир, бирга шахарга боришни истамади. Худодод унга:

— Сенга рўмол олиб келаман, — деди.

Унга жавобан киз жилмайиб кўйди ва бу жилмайишнинг баҳоси Худодод учун ёруг дунё билан баравар эди. У Дамованднинг чаккон бозорига келиб, энг аввал баззозлик дўконидан бир дона яшил ва сарик накшли рўмол харид килди. Сўнгра канд ва чой сотиб олиб, харидларини калами бўгчага ўради-да, йирик одимлар билан кулбаси тарафга равона бўлди. Худододдек пиёда юришга одатланган киши учун шахардан уйигача бўлган икки фарсанг масофа чўт эмас. Кексайганига карамай, энди унинг хаёти ўзига яраша бир маъно касб этган эди. Йўлда бораракан, у ўзича хаёл сурарди: “Бу рўмол Лолага жуда ярашади. У буни елкасига ташлаб, учларини сийнаси остидан боғлаб олади”. Шу захоти, гўёким бирор унинг хаёлидан вокиф бўлгандек, уялиб кетди ва ўзига деди: “Мен унинг гўзаллигидан отаси каби фаҳрланишим лозим. Отаси ўрнидаманми, яхши бир куёв топиб, уни узатаман”. Аммо чўпон Аббос кизни яхши кўришини эслаганида, кони юзига тепиб, тутакиб кетарди.

Йўл паст-баландликлар, тог дараларидан ўтар, аммо Худодод атрофдаги хеч нимани пайкамас, хатто чарчокни хам хис килмас эди. Олдинлари у йўлда юрганда атрофни томоша килар, ёмгир ёғармикан-йўкми, дегандек осмонга бокар, экинзорларга разм солиб, дехконларнинг хосили кандай бўлганини чамалаб кўрарди, арпа, бугдой, ловия, хўл ва курук мевалар нархи хакида ўй суриб кетарди... Аммо хозир хаёли факат Лолада эди. Бу йил унинг ери яхши хосил бермади ва у жамгармасидан бир кисмини сарфлашга мажбур бўлди. Аммо булар Лоланинг бир тола сочига хам арзимайди.

Худодод дарахтзор ёнидан ўтиб, сўқмокка бурилди. Бу ердан унинг тепаликдаги кулбаси кўриниб туарди. Кулба узокдан ёнма-ён кўйилган иккита пачок гугурт кутисига ўхшарди. Худодод бўгчани каттикрок кисиб, кадамларини жадаллатди ва таниш сўқмокдан тезда кулбасига етиб келди. Аммо Лола бу ерда кўринмас эди. Тош супа хам, уй хам кимсасиз эди. Худодод кафтини даханига кўйиб, баланд овозда чакирди: “Лола!.. Лола!..” Хеч ким жавоб бермади. У ташкари чикиб, яна бор овоз билан бакирди: “Лола... Лола... Лолу... Лолу...”. Товуш тогларга урилиб, акс-садо берарди: “Лола... Лолу...”.

Худодод саросимага тушди. У тош супага чикиб, теварак-атрофни кўздан кечирди. Хеч бир тарафда кизил кўйлак кўзга ташланмасди. Худодод хонага кайтиб кириб, кизнинг сандигини очиб каради. Унга шу йил олиб берган янги либослар йўқ эди. Худодод аклдан озишига сал колди. Нима бўлганини тушунмай, мияси котди. Кулбадан чопиб чикиб, гизиллаб булок бўйига тушди. Бу ерда узун чопон ва кора чоловор кийиб, бошига кўк салла ўраган кишлок охундига дуч келди. У дарахт тагида тамаки чекиб ўтирасди. Охунд Худододга шундай захарли караш килди, ундан бир нима сўрашга юраги бетламади. Яна бирор юриб, бола опичлаб олган кизил чодрали аёлни кўрди. У хам Лола хакида хеч нарса айтломади ва Худодод ночор кулбасига кайтди.

Атрофни тун коронгиси коплади-ю, аммо Лоладан дарак йўқ. Худодод канака ёмон тушларни кўрмади, дейсиз! Йўқ, аслида у мижжа кокмади хам. Вахимали хаёллар билан бедор бўлиб, тик этган садога сакраб туар, хар гал унга Лола келаётгандек бўлиб туюларди. Ўн марталаб жойидан туриб, пардани иткитиб, коронгидаги Лоланинг совук

тўшагини пайпаслаб кўрар, титраб-калтираб яна ўз ўрнига келарди. Уни кимдир олиб кочиб кетдимикан? Алдашдимикан ё ўзи кетиб колдими?

Эртаси куни хаво мусаффо ва салкин эди. Худодод Лолага деб сотиб олинган рўмолни олиб, уни кидиришга кетди. Йўлида учраган хар бир одам унга дев ё аждар бўлиб кўринарди. Бошидан белигача кор билан копланган кўкимтири-кулранг тоглар дилида кўркув уйготар, аrik лабида ўсган ялпизнинг ўткир хиди томогидан бўгаётгандек бўларди. Йўлда иккита дехконни учратиб, юрагини ховучлаб улардан сўради:

— Лолани кўрмадингизларми?

Уни аввал девона деб ўйлашди ва бир-бирларидан сўрашди:

— Ким экан у?

— Бир лўли киз.

Дехконлардан бири деди:

— Икки кун бурун бир гурух лўли Мумажда чодир тикди. Тагин шуларни айттаётган бўлмагин.

Худодод Мумаж тарафга равона бўлди. У тез-тез ва кокилиб йўл босарди. Неча жойда бурилиб, гоҳ адашиб-улокиб, нихоят узокдан бир неча кора чодир кўринди. Якин бориб, арик ёкасида ухлаб ётган эркакни кўрди. Нарироқда, чодир олдида бир лўли аёл галвирда дон эларди. Аёл Худододга салом бериб деди:

— Сенга фол кўрайми? Менда илон тишидан килинган маржон, элак ва ёнгоклар бор.

Унинг сўзлари Худододнинг кулогига кирмасдан, девонавор сўради:

— Лола... Полуни кўрдингми? Унинг каердалигини биласанми?

— Фол кўрсам айтиб бераман.

— Айт, мен пулини тўлайман.

— Пулни бер, кейин айтаман.

Худодод каттик чарчаган эди. Чўнтагидан бир кирон олиб, лўли аёлга узатди. Лўли унинг кўлидан ушлаб, юзига каради ва деди:

— Хазрат Али панохинг бўлсин. Эй одам, сенинг дилингда хозир гусса ўрнашган. Тўрт йил ардоклаб юрган бир азиз нарсангни йўкотибсан. У сенга жигарпора бўлмаса-да, ўз жигарпоранг янглиг севасан уни.

Худодод кўзлари ўшга тўлиб, лўлига бокди ва шивирлаб деди:

— Рост, гапларинг рост.

— Аммо беҳудага гусса чекмагин. Зоро, у киз сенинг якинингдадир. У тирик ва согу саломат.

— Кани у? Кандай келиб колди бу ерга? Худо хакки, менга хаммасини айтиб бер.

— Кайгурма, у киз баҳтиёрдир. Сен уйингни очик колдирдинг ва шайтон кириб уни алдаб олиб кетди.

— Унинг исми Аббосми?

— Йўк.

— Сен буларнинг барини каердан биласан? Худо хакки, ростини айт, нима хохласанг бераман.

У чўнтагидан яна пул чикарди. Лекин шу аснода кўшни чодир эшигидаги парда бир ёнга сурилиб, ундан Лола чикиб келди. Эгнида Худодод сотиб олиб берган ўша кирмизи кўйлак, кўлида бир дона кизил олма. У олмани ёнги билан артиб, тишлади-да, кулиб юборди. Лўли аёлга юзланиб деди:

— Ойижон, Худодод ота шу киши бўлади.

Худодод хайратдан донг котганча Лолага, онасига бокарди. У хеч качон Лолани бу

кадар хурсанд ва баҳтиёр холатда кўрмаган эди. У кизил рўмолни кўйнидан олиб кизга караб улоктириди ва деди:

— Буни сенга олувдим.

Лола шараклаб кулиб юборди ва рўмолни елкасига солди-да, бир учини сийнаси остидан ўтказиб bogлади. Сўнгра югуриб чодир ичига кирди-да, ўша захоти ичкаридан ёш бир йигитни бошлаб чиқди. Унга пичирлаб нимадир деди ва Худододни кўрсатди.

Шундан сўнг киз кувнок охангда Худододга таниш ашулани куйламокка бошлади ва йигитнинг елкасига кўл ташлаб, иккаласи толзор оркасига ўтиб кетди.

Лолани тирик топганидаги кувончию ва уни энди бутунлай йўкотганидаги гусса бир бўлиб, Худодод хўнграб юборди. У йикила-сурила келган йўлидан оркасига кайтди. Кулбасига кириб, эшикни ичкаридан беркитиб олди.

Шундан сўнг уни хеч ким хеч каерда кўрмади.

Гулом Карим таржимаси